

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzARB  
muammolari**

Jild 3, Son 7/S  
**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/7 (3)-2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиғи.

### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Холлиев Азизбек Гўзалович</i> РОССИЯ-АМЕРИКА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ) .....	7-13
<i>Юлдашев Сайданварбек Баҳромжон ўғли</i> ФАРГОНА СОМОНИЙЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР .....	14-25
<i>Бобоҷонов Шавкат Улуғбековиҷ</i> ФЕНОМЕН БАҲАУДДИНА НАҚШБАНДИ В ПАЛОМНИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ОАЗИСА .....	26-31
<i>Raxmonqulova Masuma Mengniqulovna</i> ZARDUSHTIYLIK DINIGA OID YOZMA MANBALARNING ARXEOLOGIK MANBALARDA AKS ETISHI .....	32-39
<i>Isarov Umidulla Isar o'g'li</i> “ILK KO'CHMANCHILAR” ATAMASI MUAMMOSI .....	40-45
<i>Исламов Шарифжон Ганиджанович</i> “КЕНГАШ” ЖУРНАЛИДА СИЁСИЙ, ДИНИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ .....	46-54
<i>Фарманова Гулнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ И ИССЛЕДОВАНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ ХХ ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ РАБОТ Г.В.ГРИГОРЬЕВА И А.И.ТЕРЕНОЖИНОЯТ КОДЕКСИИНА) .....	55-64

### **8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Ablazov Nurillo Xusanboyevich</i> QURILISH KORXONALARIDA DAROMAD VA XARAJATLARNI TAN OLISHNING XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI .....	65-71
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i> ONLAYN MOLIYAVIY XIZMATLARNING XUSUSIYATLARI .....	72-79
<i>Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна</i> ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИННИГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ .....	80-90
<i>Norkochkarov Abdulaziz Ziyadullaevich</i> PRACTICAL ASPECTS OF CREATING COST ESTIMATE IN BUDGET ORGANIZATIONS .....	91-98
<i>Темиров Шоҳруҳжон Пўлатхўжа ўғли</i> КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ, ДАРАЖАЛАРИ ВА БАРҚАРОРЛИГИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ (ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	99-108

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Raximova Dildora Abzalovna</i> GLOBAL MUAMMOLAR FALSAFASI .....	109-114
---	---------

*Искандаров Жаҳонғир Шарипович*  
ИНТУИЦИЯ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ..... 115-121

*Xadjamuratova Matlyuba Xashimovna*  
YOSHLARNI IJTIMOIY HIMOYA QILISHNING INNOVATSION XUSUSIYATLARI ..... 122-128

## 10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Axmedov Oybek Saparbaevich*  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ  
ХОДИСАСИННИГ ЎРНИ ..... 129-137

*Rasulova Gulbahor*  
AYRIS MYORDOK IJODIGA ILMIY-NAZARIY YONDASHUVLAR ..... 138-143

*Norqobilov Sanjar Rahmat o'g'li*  
КОГНИТИВ ЛИНГВИСТИКА ФАНИНИ ТАQQOSLASHNING UMUMIY TENDENSIYALARI ..... 144-149

*Bobojonov Dilshod Jumaqul ugли, Halilova Shohista Muhammadi qizi, Umarova Maftunbonu  
Umidjanovna, Turdaliyeva Shahnoza O'ktamovna, Gulnora Xolmurodova Sattorovna*  
LINGUISTIC FEATURES OF THE MODERN NEWSPAPER LANGUAGE: ANALYSIS AND  
RESEARCH ..... 150-159

*Sodikova Bakhtigul Ibodullaevna, Berdiyev Suhrob Sobirovich, Togaev Bobur Erkin ugли, Hafizov  
Sarvar Boborajab ugли, Maxsumov Rustam Maxamadiyevich*  
CHARACTERISTICS OF THE NEO-VICTORIAN NOVEL IN THE "FRENCH LIEUTENANT'S  
WOMAN" BY JOHN FOWLES ..... 160-166

*Xolmuxamedov Baxtiyor Farxodovich*  
О'zbek tilida yaratilgan chappa (ters) lug'atlari haqida ..... 167-176

## 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

*Tўраев Сардор Абдихаким ўғли*  
БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР  
ЭТИЛАДИГАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК  
МАСАЛАЛАРИ ..... 177-187

## 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Kaziyeva Turg'unoy Tursunbayevna*  
MATNNING GERMENEVTIK KONTSEPTSIYASI VA KOGNITIV GERMENEVTIKA ..... 188-192

*Xaydarov Azamjon Asqarovich*  
“OZIQ OVQAT TEXNOLOGIYASI YO’NALISHI” TALABALARINI UMUMIY KIMYO KURSINI O’QITILISHDA  
INTEGRATIV TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY METODIK ASOSLARI ..... 193-198

*Allamurodova Sabohat Ibodullayevna*  
ADABIY TA'LIM TIZIMIDA KULTUROLOGIK YONDASHUV ..... 199-204

*Gaynullaeva Yulduz Anvarovna*  
PROFESSIONAL AND AESTHETIC APPROACH TO TYPES OF WOMEN'S CLOTHING ..... 205-210

**Юлдашев Сайданварбек Бахромжон ўғли,  
ФарДУ жаҳон тарихи кафедраси доценти  
[bahromzoda\\_turkzod@mail.ru](mailto:bahromzoda_turkzod@mail.ru)**

### **ФАРГОНА СОМОНИЙЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР**

**Аннотация.** Мақолада илк бора тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган ҳолда сомонийлар сулоласидан бўлган Фарғонанинг волийлари: Аҳмад ибн Асад, Абул Ашъос Асад ибн Асад, Исҳоқ ибн Аҳмад, Муҳаммад ибн Исҳоқ ва Муҳаммад ибн Асадларнинг фаолияти ёритилган. Водийда сомонийлар ҳукмронлиги ўрнатилиши арафасидаги сиёсий вазият, сомонийлар ҳукмронлигининг Фарғонада ўрнатилиши, 823 ва 828 йиллардаги воқеалар, Наср ва Исмоил орасидаги низолар, X аср бошида юз берган бир неча исёнлар ва буларнинг натижасида Фарғонанинг сомоний волийлар кўлида кетиши жараёнлари ҳам тадқиқи этилган.

**Таянч сўзлар:** Фарғона, Араб халифалиги, Маҳдий, Аҳмад ибн Асад, Чжунгже, қарлуқлар, ябғу, Жабуя, сомонийлар, Рофеъ ибн Лайс, Шавдар Исмоил, Наср, саффорийлар, Исҳоқ ибн Аҳмад, Муҳаммад ибн Асад, Тўғон тегин.

**Yuldashev Saidanvarbek Bakhromjon ugli,**  
Associate Professor of the World History  
Department of Fergana State University

### **PICTURES FROM THE HISTORY OF FERGANA SOMANIS**

**Abstract.** Based on sources and literature, the activities of Fergana governors from the Samanid dynasty: Ahmad ibn Asad, Abul Ash'as Asad ibn Asad, Ishaq ibn Ahmad, Muhammad ibn Ishaq and Muhammad ibn Asad are highlighted. The political situation on the eve of the establishment of Samanid rule in the valley, the establishment of Samanid rule in Ferghana, the events of 823 and 828, the conflicts between Nasr and Ismail, several rebellions that occurred at the beginning of the 10th century, and the process of Fergana falling into the hands of the Samanid governors as a result of this are also researched.

**Key words:** Ferghana, Arab caliphate, Mahdi, Ahmad ibn Asad, Jungje, Qarluqs, Yabgu, Jabuya, Samanids, Rafe' ibn Lais, Shawdar Ismail, Nasr, Saffarids, Ishaq ibn Ahmad, Muhammad ibn Asad, Tughan teghin.

**Юлдашев Сайданварбек Бахромжон сын,**  
Доцент кафедры всеобщей истории  
Ферганского государственного университета

### **КАРТИНЫ ИЗ ИСТОРИИ ФЕРГАНСКОГО СОМАНИСА**

**Аннотация.** На основе источников и литературы освещена деятельность ферганских правителей из династии Саманидов: Ахмада ибн Асада, Абул Аш'аса Асада ибн Асада, Исхака ибн Ахмада, Мухаммада ибн Исхака и Мухаммада ибн Асада. Политическая ситуация накануне установления правления Саманидов в долине, установления правления Саманидов в Фергане, событий 823 и 828 годов, конфликтов между Насром и Исмаилом, ряда восстаний, произошедших в начале X века, а также исследуется процесс попадания Ферганы в руки саманидских правителей в результате этого.

**Ключевые слова:** Фергана, Арабский халифат, Махди, Ахмад ибн Асад, Джунгдже, Карлуки, Ябгу, Джабуя, Саманиды, Рафи ибн Лайс, Шавдар Исмаил, Наср, Саффариды, Исхак ибн Ахмад, Мухаммад ибн Асад, Туган тегин.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I7/SY2023N02>

**Кириш.** VIII асрнинг охириларида Фарғона кечган сиёсий воқеалар тарихий манбаларда [12, 13, 16, 19, 20, 27, 28] маълум даражада ёритилиб, бу ерда ҳукмронлик қилган шахслар хусусида узуқ-юлуқ маълумотлар келтирилади. Жумладан, халифа Маҳдий даврида (775-785) Мовароуннаҳр ноиби Аҳмад ибн Асад катта қўшин билан Фарғонага бостириб киради. Натижада Косонда турган Фарғона подшоси расман халифалик ҳокимиятини эътироф этди. Хитой манбаларида Фарғона ҳукмдорининг исми Чжунгже бўлиб, у ўз ўғли Шюеюйни Хитойга 771 йилда юборганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди [12: 319]. Демак, Аҳмад ибн Асад юриши пайтида Чжунгже [22: 285] Фарғона ҳукмдори бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ, Чжунгженинг туркий исми ва ҳукмронлик қилган йиллари ҳозирча аниқ эмас.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, қарлуқлар бутун VIII аср давомида Фарғона водийси сиёсий ҳаётида устувор мавқега эга бўлишган. 751 йилда Талосдаги жангда хитойликларнинг мағлубияти туфайли шарқдан қарлуқларга бўлган тазиик камайиб, улар учун мустақил давлат тузишга шароит юзага келади. Бу даврда водийнинг шимолий ва шарқий ҳудуди Қарлуқлар давлати билан чегарадош бўлганлиги боис [28: 20], вақти-вақти билан Араб халифалиги ва қарлуқлар орасида чегара масаласида, ва умуман Фарғона масаласида низо келиб чиқар эди.

VIII асрнинг 90 йилларида Фарғонада ҳокимиятни қарлуқларнинг ябғуси ўз қўлига олди. Шунга қарамасдан, қарлуқлар водийда ҳокимлик қилган маҳаллий сулолага хотима бермадилар. Аксинча, уларни арабларга қарши курашини қўллаб-куватлаб турдилар. Шунинг учун араблар халифа Хорун ар-Рашид (786-809) даврида яна Фарғонага юриш қилишга мажбур бўлдилар. Бу сафар Хорун ар-Рашидинг Мовароуннаҳрдаги ноиби Ғитриф Ато халифа буйруғи билан Фарғонага Амр бинни Жамил бошчилигига қўшин юборди [6: 276]. Бу юришдан асосий мақсад арабларга қарши курашда Фарғона ҳукмдорини қўллаётган қарлуқ ябғуси Жабуяни [6: 276] водийдан қувиб чиқариш эди. Аммо Амр бинни Жамил мағлуб бўлди ва араблар бу юришдан қўзлаган мақсадига эриша олмадилар [10: 26].

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Фарғона водийсида ҳукмронлик қилган сомонийлар сулоласи вакиллари ҳақида Ш.Камолиддин, В.Бартолд, Б.Гафуров, Ҳ.Неъматов, А.Берншам, С.Юлдашев ва бошқалар маълумот бериб ўтган [7; 8; 9; 10; 14; 15; 21; 26; 27]. Мовароуннаҳрда 806 йили юз берган Рофеъ ибн Лайс қўзғолони Фарғонадаги сиёсий жараёнларга жиддий тарзда таъсир этди. Айнан ушбу қўзғолон оқибатида водийда маҳаллий сулола тугатилиб, ҳокимият Сомонхудот авлодларига ўтади ва шундан кейин тарихий манбаларда Фарғонанинг қадими кушон ёки туркий сулолага мансуб ҳукмдорлари ҳақида маълумотлар учрамайди. Халифаликнинг муҳим ҳисми ҳисобланган Мовароуннаҳр ва Фарғонани бошқариш халифалик ишончсиз деб ҳисоблаган маҳаллий ҳукмдорлардан уларга ўз садоқатини исботлаган сомонийлар хонадони вакилларига ўтди. Фарғона ва Ҳўжанд аҳолисининг [18: 141] қўзғолонда фаол иштирок этиши боис Хорун ар-Рашид Фарғона аҳолисини Рофеъ ибн Лайс ғояларидан

ҳимоялаш мақсадида алоҳида дастурга эга бўлган халифалик амалдорлари юборилади [23: 283], чунки бу ерда халифаликнинг ички вилоятларидан фарқли ўлароқ қўзғолончилар чегара бўйлаб ўрнашган қарлуқлардан ёрдам олишлари мумкин эди.

Рофеъ ибн Лайс қўзғолони араблар Фарғонага қарийб бир аср олдин кириб келган бўлсаларда, уларнинг мавқеи бу ерда мустаҳкам эмаслигини кўрсатди. Фарғонанинг араблар жойлашган манзилгоҳларини ҳисобга олмагандан, водийда ислом дини ҳали кенг ёйилмаган эди. Фарғона водийсининг VIII – IX асрлар чегарасидаги сиёсий аҳволи шундай эди.

Рофе ибн Лайс қўзғолонининг Асад ўғиллари ёрдамида бостирилиши бу ерда халифалик ва Сомонийлар сиёсий мавқеининг ошишига олиб келди. Сомонийлар сулоласининг асосчиси – Сомонхудот Сомон қишлоғининг ҳокими бўлган. Бу қишлоқ қаерда жойлашган эди, деган саволга тарихий манбаларда турли жавоблар учрайди. Айрим муаллифлар бу қишлоқ Балх вилоятида бўлган деб ёзсалар, бошқалар уни Самарқанд атрофларида, учинчилари эса Термиз яқинида жойлашганлигини таъкидлайдилар [21: 19].

Сомонхудот Хуросон волийси Асад ибн Абдуллоҳ Кушайрий тимсолида ўзига ҳомий топди, исломни қабул қилди ва унинг шарафига ўз ўғлига Асад деган исм қўяди [1:133]. Асад улғайиб, Хуросоннинг кейинги волийси Маъмун хизматига киради. Унинг ўғиллари, яъни Сомонхудотнинг набиралари Нуҳ, Аҳмад, Яҳё ва Илёс ҳам Маъмуннинг хизматида бўлиб, Тоҳир ибн Ҳусайн сингари Рофе ибн Лайс қўзғолонини бостиришда халифаликка яқиндан ёрдам берадилар. Халифа Маъмун қилган хизматлари эвазига 819-820 йилларда Нуҳни Самарқандга, Аҳмадни Фарғонага, Яҳёни Чочга, Илёсни эса Ҳиротга ҳоким этиб тайинлади [12:66, 19:1].

Тахминан шу йилларда Хуросон вилоятининг волийлиги ҳам маҳаллий Тоҳирийлар сулоласи қўлига ўтади. 821 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн, бир йилдан сўнг у вафот этгач, унинг ўғли Талха Хуросон волийси (ноиби) этиб тайинланади. Мовароуннаҳр вилоятларидаги Сомоний ҳокимлар Хуросонда ноиблик қилган Тоҳирийларга вассал бўлиб, уларга бўйсунар эдилар.

**Натижалар ва муҳокама.** Фарғонага ҳоким этиб тайинланган Аҳмад ибн Асаднинг бу ердаги сиёсий фаолияти осонлик билан кечмади. Мирхонднинг “Равзат ус-Сафо” асарида келтирилишича, 828 йилда Фарғонага ислом динини қабул қилмаган туркий қабилалар бостириб киради [19:2; 24:13]. Асарда қайд этилишича, муҳолифлар Фарғонани Аҳмаддан тортиб олишади. Шу туфайли Аҳмад Фарғонани ташлаб кетишга мажбур бўлади. Таҳмин қилиш мумкин у Фарғонани ташлаб кетганда акаси Самарқанд ноиби Нуҳ ҳузурига борган бўлса керак. Расман Хуросон ноиби Талха ибн Тоҳирга вассал бўлган Аҳмад ибн Асад ундан ёрдам сўрайди. Талха ибн Тоҳир Аҳмаднинг илтимосини инобатга олиб, ўзининг нуфузли вазири Аҳмад ибн Абу Холид бошчилигига Фарғонага қўшин жўнатади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Аҳмад ибн Абу Холид вазир сифатида шахсан халифа Маъмун томонидан тайинланганлиги боис, унинг Хуросон ва Мовароуннаҳрда мавқеи анча баланд эди. “Дин душманлари” Аҳмад ибн Абу Холид томонидан Фарғонадан қувиб чиқарилгандан кейингина [20:57] Аҳмад Фарғонага қайтиб келиб, узоқ муддат ҳокимлик қилиш имкониятига эга бўлади. Мирхонд юқорида рўй берган воқеани тасвирлашда уни қачон содир бўлганлигини айтиб ўтмайди. В.Бартолд ҳам Мирхондга таяниб ушбу воқеа тўғрисида ҳикоя қилганда унинг қачон рўй

берганлиги очиқламайди [8:257]. Шунга қарамасдан Мирхонд асарида Тоҳирнинг вафотидан кейин халифа Мамун Талха ҳузурига Аҳмад ибн Абу Холидни вазир этиб юборганлигини айтиб ўтади. Худди шу воқеалар билан биргаликда Фарғонадаги исён воқеаси ҳам ҳодисалар ҳам эслатиб ўтилади. Демак шундан хулоса қиласиган бўлсак, Аҳмад ибн Асаднинг Фарғонадан мухолифлари томонидан қувилиб, сўнгра Аҳмад ибн Абу Холид ёрдами билан ҳокимиятни қайта қўлга олган санаси 822-823 йилларда юз берган деб хулоса қилишимиз мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, Мирхонд ўз асарини XV аср охирида ёзган бўлсада, аммо у келтирган 822-823 йилги Фарғонада юз берган воқеалар бизга маълум бўлган ўша давр тўғрисида маълумот берувчи манбаларда учрамайди. Демак, Мирхонд ўз асарининг Сомонийлар ва бошқа сулолалар тўғрисида ҳикоя қилувчи 4-жилтини ёзишда бизгача этиб келмаган қандайдир оригинал манбадан фойдаланган. Айни шу IX асрнинг 20-йиллари тўғрисида Насафий ўзининг “Ал-Канд фий зикри уламои Самарқанд” асарида ҳам қизиқ бир воқеани эслатиб ўтади. Унда келтирилган маълумотларга ишонадиган бўлсак, Талха ибн Тоҳир 828 йилда водийдан “Фарғона подшолар”ни қувиб чиқаради [13: 57, 27:73].

“Фарғона подшолар” дея тилга олинган ҳукмдорнинг ким эканлиги тарихий манбаларда ва илмий адабиётларда келтирилмаган. Аввало “Фарғона подшолар” ким эканлигига аниқлик киритиб олсак. Халифа Маъмун томонидан Ўрта Осиёning бошқа вилоятлари қатори Фарғона ҳам Сомонхудотнинг набираларига инъом этилган эди. Фарғонанинг туркий уруғга мансуб аввалги ҳукмдорлари водийни идора этаётган шароитда Маъмун уни инъом тарзида Аҳмад ибн Асадга бера олмаган бўлар эди.Faқатгина Фарғонадан унинг ҳукмдорлари сулоласи тугатилган ёки қувиб чиқарилган вазиятдагина Аҳмад ибн Асад водийни идора эта олар эди. Демак, Маъмун даврида Фарғона ҳукмдорлари водийдан қувиб чиқарилган ва унинг бўшаб қолган вилоятига Сомонхудотнинг набираси ноиб этиб тайинланган. Агарда Фарғона ҳукмдорлари сулоласи водийда қувиб чиқарилмасдан балки тугатилганда 822-823, 828 йилдаги ҳужумлар юз бермаган бўлар эди. Юқорида келтирилган Насафийнинг асарида келтирилган “Фарғона подшолари” деган ибора остида собиқ маҳаллий сулола вакиллари назарда тутилган бўлиши мумкин. Иккинчи тахминга кўра, ушбу манбада “Фарғона подшолари” деган ибора остида собиқ маҳаллий сулола вакиллари эмас, балки Фарғона водийси чегаралари бўйлаб жойлашган туркий қабила бошлиqlари назарда тутилган бўлса керак. Сабаби бундан олдин ҳам Қарлуқ ябғулари бир неча бор Фарғонага бостириб кириб, арабларга қарши кураш олиб борган. Юқорилардан хулоса қиласиган бўлсак Аҳмад ибн Асаднинг Фарғонада ҳокимияти ҳали мустаҳкам эмас эди. Шу сабабли Фарғонага қўшни бўлган туркий қабилаларнинг ҳужуми тез-тез такрорланиб турган. Биргина IX асрнинг 20 йилларида туркийларнинг Фарғонага икки марта ҳужуми кузатилган. Шуниси эътиборлики Аҳмад ибн Асад Фарғонани мулк сифатида халифа Маъмундан олган бўлсада, аммо унинг водийдаги фаолиятининг кафолати Тоҳирийлар эди. Шу сабабли Тоҳирийлар Аҳмадга бир неча марта амалий ёрдам беришган.

Аҳмад ибн Асад ҳукмронлигининг Фарғонада узил-кесил ўрнатилишида акаси Самарқанд ноиби Нуҳнинг хизматлари катта бўлди. Нуҳ томонидан 838-839 йилларда Фарғонанинг шимолий ва шарқий қисми, яъни асосан маъжусийлар яшовчи Косон,

Урест ва Исфижоб худудларининг мусулмон оламига қўшиб [4, 15, 18:159-160] олиниши ва у ерда янги қалъаларнинг барпо этилиши, шубҳасиз, водийда Аҳмад ибн Асад мавқейининг мустаҳкамланишига олиб келди. Манбаларда Нуҳнинг Косон ва Урестга қилган юришларига сабаб сифатида у ернинг ҳукмдорлари томонидан сомонийлар билан тузилган тинчлик сулҳининг бузилиши кўрсатилади [17:445]. Демак, хулоса қилишимиз мумкинки, Нуҳ ибн Асад бундан олдин ҳам Фарғонанинг шимолий ва шарқий қисмларига ҳарбий юришлар ташкил этиб, туркий қабилаларнинг бошлиқлари билан бир – бирларига хужум қилмаслик тўғрисида сулҳ тузиб, ортига қайтган. Ушбу воқеадан сўнг тарихий манбаларда Фарғона водийсига кўчманчиларнинг хужуми тўғрисидаги маълумотлар учрамайди.

Ибн Ҳавқалнинг “Китаб сурат ул-ард” асарида келтирилишича, Исфижобдан бошлаб Фарғонанинг энг чекка ҳудудларигача бўлган ерлар қарлуқлар билан қўшни бўлиб [28:20, 29:35], бу ерларда қарлуқларнинг босқини тез-тез рўй бериб турган. Тарихий манбаларда Аҳмад ибн Асад даврида қўшиннинг жанговар тайёргарлиги ва қурол-аслаҳаси нихоятда юқорилиги таъкидланади. Аҳмад ибн Асад ҳукмронлиги даврида Фарғона ва турк шаҳарларидаги иқтисодий тараққиётни ҳисобга олсак, сомонийлар қўшинининг жанговар тайёргарлиги юқорилиги тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқатга яқиндир. Бошқа томондан қараганда, кўчманчилар билан чегарадош водийнинг ҳарбий шайлиги табиий ҳолат эди. Бу ҳам келажақда Аҳмад ибн Асаднинг Фарғонадан туриб бутун Мовароуннахрни ўз қўл остида бирлаштирилишига ёрдам берди. Шу йилларда Фарғона ва Аҳмад ибн Асад қўл остидаги турк шаҳарлари аҳолисидан тўпланган хирож 326 400 дирҳамни ташкил этган [18:160].

Аҳмад ибн Асаднинг Фарғонадаги ички сиёсати ҳақида маълумотлар кўп эмас. Гардизий ҳижрий 224 (милодий 839) йилда Фарғонада кучли зилзила содир бўлганлигини қайд этади [6:278]. В.Бартолд ўзининг “Мўғуллар хужуми даврида Туркистон” асарида 859 йилда Шавдар қасабасида исён бўлиб ўтганлиги таъкидлайди [4:268]. Ибн Ҳавқалнинг “Китаб сурат ул-ард” асарида Шавдар юришига Наср ибн Аҳмад бошчилик қилганлигини, унинг қўшинлари сони 300 минг эканлиги шунингдек, жанглар давомида улардан тўрт минг киши асосий қўшиндан узилиб қолганлиги қайд этилади [28:20].

Воқеанинг муҳим томони шундаки, Шавдар жойлашган Туркистон ҳудуди маъмурий жиҳатда на Самарқанд ҳукмдори Саср ибн Аҳмадга ва на Шош ноиди Муслимга таъаллуқли эди. Демак, Ўрта Осиёда таъсири ортиб бораётган Аҳмад ибн Асад исёнчиларга қарши тўнғич ўғли Наср ибн Аҳмадни юборади. Аммо юқоридаги рақамнинг тўғрилиги шубҳалидир. Муаллиф ушбу рақам орқали қўшин сонининг кўплигини таъкидламоқчи бўлса керак. Наср томонидан исёнчилардан бир неча минг киши қириб юборилганлиги ҳақида хабар берилади [8:268]. Аммо ушбу манбада исённинг сабаблари ҳақида маълумот берилмаган. Таҳминимизча, қўзғалон халифалик томонидан амалга оширилган жабр-зулм туфайли юзага келган бўлса керак.

Наршахийнинг берган маълумотига кўра, Нуҳ ўлими олдидан ўзига ворис сифатида укаси Аҳмадни тайинлайди [1:147]. Нуҳ ва Яҳёнинг вафотидан сўнг Аҳмад ибн Асад бутун Мовароуннахрни ўз қўли остида бирлаштирди. У одатга кўра йирик вилоятларни ўғиллари ва ўз вассалларига тақсимлаб берди. Жумладан, ўғиллари Наср ва Асадга Самарқанд ҳамда Фарғонани, жияни Муслимга эса Шошни беради. Аҳмад ибн

Асаднинг ўзи эса олий ҳокимиятни сақлаб қолган ҳолда, Фарғонадан туриб деярли бутун Мовароуннахрни идора этади [7:492]. Шу тариқа, IX асрнинг ўрталарига келиб, деярли бутун Мовароуннахр (Бухоро, Кеш ва Чағониёндан ташқари) Сомонийлар тасарруфида бўлган. Айтиш мумкинки, Сомонийлар давлатига тамал тоши Фарғона ҳукмдори Аҳмад ибн Асад томонидан қўйилди. Фарғона бу давлатнинг ilk маркази бўлган. Кейинчалик марказ дастлаб Самарқандга, сўнгра Бухорага қўчган бўлсада, лекин Фарғона муҳим минтаقا сифатида ўз сиёсий мавқейини сақлаб қолди.

864 йили Аҳмад ибн Асад вафот этганидан сўнг Фарғона бошқаруви унинг ўғилларидан бири Абул Ашъос Асад ибн Аҳмад қўлига ўтади [15:17].

Аҳмад ибн Асаднинг вафотидан сўнг унинг ўғиллари иккита гурӯҳга ажralиб кетишади [15:21]. Биринчи гурӯҳ Аҳмаднинг вориси Наср бошчилигида, иккинчи гурӯҳ эса Исмоил бошчилигида эди. Иккала гурӯҳнинг сиёсий мақсадлари турлича бўлиб, Фарғона ҳукмдори Абул Ашъос Асад ибн Аҳмаднинг Наср тарафида туриб Исмоилга қарши курашидан асосий мақсад шубҳасиз водийни ўз қўлида сақлаб қолиш ҳисобланган. Чунки айнан Наср отасининг вафотидан кейин Фарғонани Абул Ашъос Асад ибн Аҳмаддага инъом этган эди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак Абул Ашъос Асад ибн Аҳмаднинг Фарғонади ҳукмронлигининг кафолати Наср эди. Абул Ашъос Асад ибн Аҳмад Фарғонанинг маркази – Ахсикатда туриб, ўз номидан мис тангалар зарб этди ҳамда катта ҳуқуқларга эга бўлган ҳолда бутун вилоятни идора этган.

Сомонийлардан бўлган Фарғона волийларидан Абул Ашъос Асад ибн Аҳмад ва унинг ўғли Муҳаммад ибн Асаднинг фаолияти тўғрисида бизгача кам маълумот етиб келган.

Исъҳоқ ибн Аҳмад Исмоил ёрдамида Фарғона ноиби бўлгунга қадар Мовароуннахр вилоятнинг бирини идора этганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Айнан шу жиҳат Исъҳоқ ибн Аҳмаднинг Исмоил томонда туриб ўз акасига қарши курашишига сабаб бўлган бўлса эҳтимол. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, унинг мақсади, Исмоил ёрдамида бирор бир вилоят бошқарувини олиш эди, дея айтишимиз мумкин. Сабаби Насрнинг мағлубиятидан кейин, мулкларни қайта тақсимлаш жараёнида Исъҳоқга Исмоил томонидан Фарғона бошқаруви тухфа этилган.

Тахмин этиш мумкинки, Исмоил Бухорода ноиб бўлган дастлабки йилларида акаси Насрга бўйсуниб, йиғилган солиқларнинг белгиланган қисмини унинг хазинасига юбориб турган ва вассаллик мажбуриятларини адо этган. Аммо кейинчалик Бухорода ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Исмоил марказий ҳокимиётга бўйсунмаслик йўлини тутади. Наршахийнинг ёзишича, у вилоятдан тўпланган 700 минг дирҳам солиқнинг салкам 500 минг дирҳамини ўзида олиб қолиш ва уни маҳаллий эҳтиёжларга сарф қилишга қарор қиласди. Бунга жавобан Наср бошқа биродарлари, шу жумладан Фарғона ҳокими Абул Ашъос Асаддан кўмак олиб, Бухорога қўшин тортади [1:151]. Исмоил Бухородан Фаробга чекинади ва Хурросон ҳукмдори Рофеъ ибн Харсамадан ёрдам сўрайди. Исмоил Сомоний ва Рофеъ ибн Харсаманинг биргаликда Самарқандга қилган юриши муваффақият қозонмади. Натижада Ибн Харсама воситачилигида Наср ва Исмоил ўртасида сулҳ шартномаси тузилди. Унга кўра, Исмоил Бухорода Наср фойдасига солик йиғиш учун мутасадди этиб тайинланди.

Орадан 15 ой ўтгач, Наср укаси Исмоилдан тўланиши керак бўлган хирожни талаб қиласди. Исмоил эса бу ишни яна пайсалга солади. Шу боисдан Наср иккинчи маротаба

Исмоилга қарши қўшин тортади. Бу гал ҳам Насрга унинг укаси, Фарғона ҳокими Абул Ашъос Асад ибн Аҳмад ҳамроҳлик қиласи. Наср ва Исмоил қўшинлари ўртасидаги муҳораба 888 йилнинг кузидаги содир бўлади [1:152]. Бу жанг Исмоилнинг ғалабаси билан якунланади. Наср асирга тушди. Аммо Исмоил Насрни расман бўлсада, суолола бошлиғи ва олий ҳукмдор сифатида тан олди, Наср эса уни тахт вориси этиб тайинлади. Лекин амалда ҳокимиёт Исмоилнинг қўлига ўтди.

892 йилда Наср вафот этгач, Сомонийлар давлатида расман Исмоилнинг ҳукмронлиги бошланди. Исьҳоқ ибн Аҳмад Исмоил Сомонийга давлатни мустаҳкамлаш ва унинг худудларини кенгайтиришга қаратилган сиёсатини амалга оширишида ёрдам берди. Жумладан, 900 йилда Исмоилнинг Хурросонга, Саффорийларга қарши юришида Фарғона қўшини иштирок этди. Тарихий манбаларда бу жангда ҳар икки томондан қатнашган аскарларнинг сони ҳақида маълумотлар йўқ, аммо Наршахий ушбу муҳорабада Фарғона ва Туркистондан келган қўшиннинг сони 30 мингдан иборат эканлигини эслатади [1:156].

Наршахийда келтирилган маълумотларни таҳлил қиласиган бўлсак Фарғона қўшинлари Исмоил Сомонийнинг Амр ибн Лайсга қарши юришида муҳим ўрин тутган. Сабаби манбада келтирилишича дастлаб Саффорийларга қарши отланган амир Исмоил Амударё соҳилида етганда қўшиндаги норозиликлар боис бир оз тўхтайди ва фарғоналиқ қўшинлар етиб келгандан кейингина асосий жанг ҳаракатларини бошлайди. Бундан ташқари жангда қатнашган Фарғона қўшинларига ким бошчилик қилганлиги ҳам манбаларда қайд этилмаган. Ўша пайтда Фарғонада Исьҳоқнинг волийлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қўшинга у бошчилик қилган бўлса керак.

Х асрда Фарғона ҳақида сўз юритилганда, биринчи навбатда Сомонийларнинг марказлашган давлати таркибида ўз ички мустақиллигини сақлаган, кучли иқтисодий асосга эга бўлган волийлик гавдаланади. Х асрнинг бошларида Исьҳоқ ибн Аҳмад ва унинг ўғли Илёс ибн Исьҳоқ исёнларидан кейин Фарғона узоқ вақт давомида тарихий манбаларда тилга олинмади, шу сабабли ушбу камчиликни бартараф этишда нумизматик материалларнинг аҳамияти юқори [30:24]. Х асрнинг 20-30 йилларига келганда яна тарихий манбаларда оз бўлсада Фарғона ҳақида маълумотлар учрайди.

Х аср бошларида эса Фарғонада сомонийларнинг кичик уруғидан бўлган Исьҳоқ ибн Аҳмад ҳукмронлик қиласи, у Исмоил Сомонийнинг Фарғонадаги волийси ҳисобланарди. Исьҳоқ Исмоил Сомоний даврида қудратли давлат ташкил этишнинг тарафдори сифатида унинг деярли барча ҳарбий юришларида иштирок этди.

В.Бартолд қайд этганидек, Исмоилдан кейин Сомонийлар хонадонидан унинг даражасидаги сиёсий арбоб етишиб чиқмаган бўлсада, аммо у барпо этган башқарув тизими юз йилга яқин муддат давомида давлатнинг фаолият олиб боришини таъминлади [10:300, 26:103]. Шунингдек, кейинги асрларда Ўрта Осиёда барпо этилган Хоразмшоҳлар, Фазнавийлар, Темурийлар каби йирик давлатларда Исмоил барпо этган башқарув тизимидан унумли фойдаланилди.

Исмоил Сомонийнинг вориси – унинг ўғли Аҳмад ўта диндорлиги билан шуҳрат қозонган эди. Агар Исмоил даврида давлат ҳужжатлари форс тилида тузилган бўлса, Аҳмад яна араб тилига давлат тили мақомини беришга ҳаракат қиласи. Арабчани билган маъмурий амалдорларни давлат ҳимоясига олиниши хос аскарий кучлар – шуратнинг

норозилигига сабаб бўлди. Натижада, 914 йилда Аҳмад ўзининг ғуломлари томонидан ўлдирилди [1:158].

Исмоил Сомонийнинг биродари Исъҳоқ ибн Аҳмад тўғрисида ёзма манбаларда батафсил маълумотлар йўқ. Унинг Фарғона волийси бўлишидан (888-йилдан) йигирма йилча вақт ўтгач, у ҳақида ёзма манбаларда яна маълумотлар учрайди. 907 йилда Исмоил Сомоний вафот этгач, Исъҳоқ ибн Аҳмад сулоладаги энг ёши улуғ инсон сифатида олий ҳокимиятга даъвогарлик қилди. Аммо тахтга, юқорида таъкидланганидек унинг жияни, Исмоил Сомонийнинг ўғли Аҳмад ўтиради. Исъҳоқ бундан норози эканлигини яширмади. Натижада Аҳмаднинг тарафдорлари уни қамоқقا ташладилар. Аммо Исъҳоқнинг ўғли Муҳаммад ибн Исъҳоқ Фарғонани идора этиш ҳукуқини ўз қўлида сақлаб қолди[7:493]. Бундан холоса қиладиган бўлсак Фарғонада Исъҳоқ ибн Аҳмад ва унинг ворисларини қўлловчи кучларнинг мавқеи баланд эди. Шу сабабдан бўлса керак ҳаттоқи отаси ва биродари амирга қарши исён кўтарган вазиятда ҳам Муҳаммад ибн Исъҳоқ Фарғона бошқарувини қўлдан бермаган.

910–911 йилда Аҳмад ибн Исмоил амакисини авф этиб, унга Самарқандни бошқариш вазифасини топширади. Аммо, 914 йилда Аҳмад вафот этиб, унинг ўрнига 8 яшар ўғли Наср II тахтга чиқарилди. Бундан норози бўлган Исъҳоқ яна бир марта, бу гал Самарқандда исён бошлайди. Бу гал Исъҳоқни Илёс исмли ўғли қўллаб-қувватлайди. Шунга қарамай, исён бостирилиб, Исъҳоқ қамоқقا олинади ва у ерда вафот этади. Илёс эса Фарғонага қочади [15:17, 16:99, 19:15, 24:13]. Ушбу воқеадан кейин Исъҳоқ ибн Аҳмаднинг авлодлари Фарғонани бошқариш ҳукуқидан маҳрум этилади. Исъҳоқ ибн Аҳмаднинг ўғли Муҳаммад ибн Исъҳоқ ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар бизгача етиб келмаган.

Наср II бошқа амакиси – Асад ибн Аҳмад авлодларига ишонч билдириб, 915 йилда Фарғонани Муҳаммад ибн Асадга инъом этади. Сомонийлар сулоласи аъзолари орасида Фарғона ҳокими сифатида Муҳаммад ибн Асад номи ёзма манбаларда деярли келтирилмаган. Бунга асосий сабаб Муҳаммад ибн Асаднинг ҳокимият учун курашларда иштирок этмаганлиги бўлиши мумкин. Бироқ, Абу Амр Муҳаммад ибн Асад исмли саркарда номи 922 йилда Фарғонада юз берган исён воқеасида учрайди [15:17, 19:15, 24:13]. Ушбу шахс айнан нумизматик материаллар орқали бизга маълум бўлган Фарғонанинг сўнгги сомоний волийси ҳисобланади.

Амир Аҳмаднинг ўлими ва марказий ҳокимиятнинг заифлашуви қатор вилоятларда сепаратистик ҳаракатларни кучайишига олиб келди. Фарғона волийлари ҳам расман марказий ҳокимиятни тан олсаларда, амалда мустақил сиёсат олиб боришга интилар эдилар. Ибн ал-Асирнинг берган маълумотларига кўра Илёс ибн Исъҳоқ биринчи исёнидан кейин мағлубиятга учраб, Фарғонага чекинган ва шу ерда иккинчи маротаба исён кўтаргинича яшаган эди. Ҳақли савол туғилади нега Илёс оиласи Фарғона бошқарувини қўлдан бой берган ва биродари Муҳаммад ибн Исъҳоқ Фарғона волийси мансабидан туширилган вазиятда айнан Фарғонага қочиб, бу ердан бошпана топди? Бизнингча, Фарғонада яшаётган туркий қабилалар сомонийлар ҳокимиятини номигагина эътироф этгани ҳолда, қулай вазият туғилиши билан катта ўлжа илинжида сулолавий низоларга аралашибга тайёр туришар эди. 310/922 йилда Илёс ибн Исъҳоқ Фарғонада Наср II ибн Аҳмадга қарши исён кўтаради. У Муҳаммад ибн Ҳусайн Мутт ёрдамида 30 минг кишидан иборат отлик қўшин йиғади ва Самарқандга юриш

бошлайди [16:100]. Наср II унга қарши Абу Мұхаммад ибн Асад бошчилигига бор-йүғи 2500 кишидан иборат ҳарбий бўлинма юборади. Қўшин Самарқанд атрофида тузоқ қуриб, Илёсни кутган. Илёснинг бу ер орқали Самарқанд яқинида қароргоҳ қуриш билан овора бўлиб турган пайтда ўрмон орасидан чиқиб, Илёс қўшинига хужум қилади. Кутимаган зарбадан Илёснинг қўшини иккига ажралиб кетади ва ортга чекинишни бошлайди. Илёснинг ўзи Фарғонага қочади. Бошқа тарафдан Мұхаммад ибн Ҳусайн Мутт Исфижобга, у ердан Тароз тарафларга кетади. Наср II нинг буйруғи билан Тарознинг дехқонига ёзилган мактубда Ибн Муттни қўлга туширса унга катта мукофот берилиши таъкидланган эди [16:100, 17:337]. Дехқон хукмдорнинг буйруғини адо этиб, Тарозга келган Мұхаммад ибн Ҳусайн Муттни қўлга олади. Қўлга олинган Ибн Мутт қатл этилиб, бошини Бухорога жўнатади. Абу Мұхаммаднинг кучлари оз бўлишига қарамай, у Илёсни мағлуб эта олди [16:100].

Шунга қарамай, Илёс тинчланмади. У Шош ҳокими (волийси) Абул-Фазл ибн Абу Юсуфнинг ёрдамига таяниб, яна исён кўтаради. Аммо унинг ушбу юриши ҳам муваффақият қозонмади. Илёснинг лашкари Мұхаммад ибн Яса бошчилигидаги кучлар томонидан тор-мор этилди, мағлуб бўлган Илёс иложсиз Қошғарга чекинди. Унга ёрдам берган Шош волийси Абул-Фазл эса асирга олиниб, Бухорога юборилди ва у ерда қатл этилди [16:100].

Қошғарда Илёс ибн Исъҳоқ Тўғон Такин исмли дехқон билан иттифоқ тузиб, яна Фарғонага юриш бошлайди. Ўша вақтда Фарғонада ҳоким бўлган Мұхаммад ибн ал-Музаффар [16:114] вилоят мудофасини ташкил этади. Пировард натижада Илёс яна бир бор мағлубиятга учрайди [17:99].

Илёснинг тақдирига келадиган бўлсак, юқоридаги воқеалардан кейин Мұхаммад ибн Музаффар Илёс билан ўзаро мактуб ёзишиб, уни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилган. Бу тадбирларнинг барчаси ижобий натижада бериб, Илёс ўзининг сепаратистик ҳаракатларини тўхтатади. Шу тариқа мамлакатнинг муҳим шарқий чегара қисми бўлган Фарғонада тинчлик ўрнатилади. Илёсга омонлик берилгандан сўнг Бухорога кетган, Наср II билан қариндошлик алоқаларини боғлаб, бу ерда яшаш имкониятига эга бўлган эди [16:100]. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Наср II дарида Фарғона ва бошқа ҳудудлардаги турли исёнларни бостиришда Наср II нинг маърифатпарвар вазири Абдуллоҳ Жайҳонийнинг хизматлари катта бўлди [21:29].

Илёснинг 922 йилда Наср II га қарши Фарғонага қилган сўнгги юришининг сабаби ота мерос мулки, яъни Фарғонани қайтариб олиш, эди деган хуолоса чиқариш мумкин. Илёснинг отаси Исъҳоқ ибн Аҳмад 888 йилда Исмоил Сомонийга берган ёрдами туфайли Фарғона вилоятига волий этиб тайинланган. Исъҳоқ ибн Аҳмад ва унинг ўғли Мұхаммад ибн Исъҳоқ 914 йилгача бу вилоятни идора қилдилар.

Илёс ибн Исъҳоқ Фарғона вилоятини қайта қўлга ололмади. Аммо бу ерда Асад ибн Аҳмад авлодларининг ҳукмронлиги ҳам узоқча бормади. Х асрнинг 30 йилларида Фарғонада ҳокимлик қилиш сомонийлар хонадонига мансуб волийлардан этник келиб чиқиши турклардан бўлган арбобларга ўтди. Нумизматик манбаларга асосланиб айтганда, сўнгги сомоний волий Абу Мұхаммад ибн Асад ўз ўрнини туркий саркардаларга бўшатиб берди.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, Фарғонанинг биринчи сомоний ҳукмдори Аҳмад ибн Асад ўз фаолияти давомида тарихий вазиятдан моҳирлик билан фойдаланган ҳолда,

тарқоқ Сомонийлар давлатини том маънода мустақил давлатга айлантириш ишини бошлаб берди. Гарчанд бу ҳайрли ишни Аҳмад ибн Асад ҳаётлик чоғида тўлиқ амалга ошира олмаган бўлсада, лекин у бўлажак кучли ва марказлашган давлатга тамал тошини қўйди. Бундан ташқари унинг ворислари бўлган Сомоний амирлар Фарғонага алоҳида эътибор беришган ва аксарият ҳолларда ўз уруғдошларинигина Фарғона волийлигига раво кўришган.

Аммо бир томондан Наср II нинг ёшлиги боис юқори давлат амалдорларининг мавқеи Исмоил Сомоний даврига қараганда бир неча маротаба қўтарилди. Эндиликда мамлакат бўйлаб амалдоларларни тайинлаш ва уларнинг номзодини кўрсатиш амир ташаббуси билан эмас балки, мавқеи ошган амалдорлар томонидан белгилана бошланди. Гарчи Наршахий ўз асарида Бухоро амирларини барча ҳокимиятни ўз қўлида жамланган ҳукмдорлар сифатида тавирлаган бўлсада, амалда вазият бунинг акси эканлигини кўрсатади. Энди Бухоро амирлари аждодлари Наср, Исмоил сингари ҳарбий юришларга шахсан ўzlари бошчилик қилишмас, ҳашаматга бурканган ҳолда Бухорода истиқомат қилишар эди.

Иккинчи томондан Сомонийларнинг Фарғонадаги кичик уруғи вакиллари доимий исёнлари натижасида ўз уруғдошларининг уларга нисбатан ишончини йўқотдилар. Фарғона сомонийлари давлатни идора этишда Бухоро амирлари бўлмиш улуғ уруғ Сомонийларга таянч бўлмадилар. Бундай вазиятда Бухоро амирлари исёнкор уруғдошларидан қўра, борган сари давлатни идора этишга ўзларига таянч бўлаётган туркий ҳожибларга ишонч билдира бошладилар. Шу тариқа Фарғонада Сомоний уруғга мансуб волийларнинг хукмронлиги ўз нихоясига етди.

### **Адабиётлар / Литература / References:**

1. Абу Бакр Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулов таржимаси. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев // Мерос. – Ташкент: Камалак, 1991.
2. Al-Makdisi. Descriptio imperii moslemici auctore Schamso'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de Goeje, Lungduni Batavorum, 1877; ed. 2: 1906. – 514р.
3. Ал-Балазури, Ахмед ибн Йахия ибн Джабир. Завоевание Хорасана (извлечение из сочинения «Футух ал-Булдан») Перевод с арабского языка, введение, комментарии и указатели Г.Гоипова. – Душанбе: Дониш, 1987. – 111с.
4. Al-Balazuri. Liber\_expugnationis regionum, auctore Imamo Ahmed ibn Jahja ibn Djabir al-Belol, quem a codice Leidensi et codice Musei Britannici ed. M.J.de Goeje, Lungduni Batavorum, 1866. – 1376р.
5. Ас-Самъоний, Абдулкарим. Насабнома. Таржимонлар: Ҳожи Абдулғафур Рассоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. – Тошкент, 2017. – 273б.
6. ابو سعید عبدالحی بن ضحاک بن محمود گردیزی. تاریخ گردیزی. به تصحیح و مقابله: عبدالحی حبیبی. تهران: دنیای کتاب، 733 ص 1343
7. Анарбаев А. Ахсикат – столица древней Ферганы. – Ташкент: Тафаккур, 2013. – 535 с.
8. Бартольд В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. 1 – Москва: Восточная литература, 1963. – 759 с.
9. Бартольд В.В. Арабское завоевание и Туркестан при Саманидах / Соч. Т. II (1). – М.: Наука, 1963. – 1024с.
10. Бернштам А.Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). – Ташкент: Изд-во АН Уз ССР, 1951. – 45 с.

11. El-Belâzurî, Ahmed b. Yahya. *Futuh-ul-Buldan*. Tercüme Prof. Dr. Mustafa Fayda. – Istanbul: Siyeryayinlari, 2013. – 657s.
12. Бичурин Н.Я. Собрание сведение о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. Т.2. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1950. – 332 с.
13. Брыкина Г.А., Горбунова Н.Г. Фергана // Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Под общей редакцией академика Б.А.Рыбакова. – Москва: Наука, 1999. – 380с.
14. Гафуров Б.Г. Таджики: Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн II. Душанбе: Ирфон, 1989. – 375с.
15. Давидович Е.А. Ферганские Саманиды по нумизматическим данным // ЭВ. Вып. XI. – М.-Л., 1956, с. 14–26.
16. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих (Полный свод истории) // Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечания и комментарии, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – 559 с.
17. Ibnu'l Esir. Islam tarihi. El Kamil Fi't Tarih Tercumesi. / Ceviren Yunus Apaydin. – Cilt 6. – Istanbul: Turkiyat matbaacilik ve nesriyat, 1986. – 492 s.
18. Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965. – 238 с.
19. Мирхонд. Сомонийлар тарихи. Дефремери нашриёти. – Historie des Samanides par Mirkhond. Texte persan, traduit et accompagne de notes critiques, historiques et géographiques par M.Defremery. – Parij. 1832. – 296 p.
20. Насафий, Нажмиддин Умар ибн Мұҳаммад ибн Аҳмад. Ал-Канд фий зикри уламои Самарқанд / Араб тилидан таржима Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набиҳон ўғлини. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 304 б.
21. Неъматов Ҳ. Давлати Сомониён: тоҷикон дар асрҳои IX-X. – Душанбе: Ирфон, 1989. – 304 с.
22. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – Москва: Наука, 1970. – 310 с.
23. The History of al-Tabari. / Translated by Carole Hillenbrand. – Vol. 30. – New York. State University of New York Press, 1989. – 395 p.
24. میرخواند. رو الصفا فی سئرہ الانبیاء و الملوك و الخلفا. جلد چهارم. بمبی. 1261. 332 ص.
25. تۈرگۈن ئالماس. ئۇيغۇرلار. مېۋەنخىن: دۇنيا ئۇيغۇرلار قۇرغۇنىيى، 2010 ب 344.
26. Юлдашев С.Б. Фарғона водийси Сомонийлар давлати таркибида // “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги учинчи республика илмий анжумани. Фарғона, 2017. Б. 110-115.
27. Юлдашев С.Б. Аҳмад ибн Асад – Фарғонанинг биринчи Сомоний хукмдори // Ўтмишга назар №10. – Тошкент, 2019. Б.79-87.
28. Ибн Ҳавқал. Китаб сурат ул-ард // Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. С. Камолиддин. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 231б.
29. Ибн Ҳауқал. Китаб сурат ул-арз (пер. с арабского О. Б. Фроловой) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Ташкент: Фан, 1988. С.20-24.
30. Тизунгаузен В.Г. О саманидских монетах. ТВОРАО, ч. I. – СПб, 1855, с.1-238.
31. Makhmudov O.V. Translations carried out in the Spanish translation centers // Asian Journal of Multidimensional Research. – Jagadhri, India. – 2017. – Vol. 6 (2). – Р. 5-20.
32. Махмудов О.В. Феномен Толедской школы и три этапа переводов // «Евразийский союз ученых» научный журнал. – Москва, – 2017. – № 12 (45/1). – С. 8-13.
33. Makhmudov O.V. Latin translations of the works Abū Bakr ar-Rāzī and their values in development of the Modern Sciences // «History, Problems and Prospects of Development of Modern Civilization». Papers and commentaries. – Tokyo: Tokyo University Press, 2017. – Vol. 18. – Р. 534-538.

34. Makhmudov O.V. Toledo School in the period of King Alfonso X // Proceedings of the First International Conference on History, Sociology and Philosophy. – Vienna, 2017. – P. 3-7.
35. Makhmudov O.V. Some reasons about employees of the translator Domingo Gundisalvo in Toledo School // Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – Vienna, 2017. – Vol. 1-2. – P. 3-7.
36. Махмудов О.В. Феномен Толедской школы и четыре этапа переводов // Всеобщая история. – Москва, – 2017. – № 3. – С. 14–21.
37. Усмонов Б. Административное устроисво Ферганы накануне и в начале прихода амира Темура к власти // Евразийских Союз Ученых. Международный научно-исследовательский журнал. 2019. №3. Часть-8. С.40-43. (Global Impakt Faktor: 0.388. - №5.)
38. Usmonov B. Ferghana in the Period of Amir Temur's Struggle for power (1360-1370). International Journal of Innovative Technology and exploring Engineering. 2019. Volume-9, Issue-2

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**N<sup>o</sup> S/7(3) – 2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).